



O'ZBEKISTON OVOZI

ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ҚЎШМА ДЕКЛАРАЦИЯНИ ИМЗОЛАДИ

Пекин, 6 июнь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан расмий ташриф билан Хитойга келди.

Ташрифнинг иккинчи кунини Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши саройида давлатимиз раҳбарининг расмий кутиб олиш маросими билан бошланди, шундан сўнг Ислам Каримов ва Ху Цзиньтао раҳбарлигида икки мамлакат делегациялари ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари икки ва кўп томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Учрашув якунида Ислам Каримов ва Ху Цзиньтао Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар. Шунингдек, техникавий-иқтисодий ҳамкорлик, ветеринария, карантин ва ўсимликларни химоя қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар, икки мамлакат ташқи ишлар ва-

зирликлари ўртасида 2012-2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Президенти ХХР Давлат кенгаши Раиси Вэнь Цзябао, Давлат кенгаши Раисининг ўринбосари Ли Кэцань билан ҳам учрашди.

Куннинг иккинчи ярмида Пекин шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг ўн иккинчи мажлиси бошланди. Ўзбекистон Республикаси, Қозғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси давлат раҳбарлари иштирокида тор доирадаги учрашув бўлиб ўтди. Унда ШХТ олдида турган долзарб вазифаларни ҳал қилиш борасида ҳамкорликдаги сазий-ҳаракатлар самарадорлигини оширишга қаратилган масалалар муҳокама қилинди.

ШХТ Саммити 7 июнь кунини ўз ишини давом эттиради.

ЎзА



Давра суҳбати



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ КУЧАЙИШИ

муаммолар ечимига хизмат қилади

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини ва ЎзХДП шаҳар кенгаши ҳамкорликда «Депутатлик назоратини амалга ошириш ҳамда ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги сиёсий партиялар гуруҳларининг роли» мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, партия фаоллари ва институт мутахассислари иштирок этди.

Давра суҳбатида электротар манфаатини химоя қилишда депутатлик назорати кучайтириш билан боғлиқ масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Депутатлар ва мутахассислар депутатлик назоратини амалга оширишнинг аҳамияти ва унинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида ўзаро фикр алмашди.

(Давоми 2-бетда.)

ОИЛА ҲАҚИДАГИ ҲИКМАТЛАР

Фарзандинг бўлса, анга яхши от қўйғил, недишким, отадан фарзанд ҳақларидан бири, унга яхши от қўймоқдир. Яна бири улдураким, фарзандни оқил ва меҳрибон дояларга топширгайсан, ўқишга ўратгайсан. Улдурак бўлгондан сўнг, унга ҳунар ва касб ўргатгайсан.

Унсурлмаолий КАЙКОВУС

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ

Пойтахтимизда 20 ёшгача бўлган шохматчилар ўртасида давом этаётган қитъа чемпионатида совринли ўринларга давъогарлар ойдинлашиб қолди.

Ўсмирлар ўртасида ҳамюртимиз Никита Хорошев ва ҳиндистонлик Сринат Нараянан етти имкониятдан 6,5 очкодан жамғариб, пешқадамлик қилишмоқда.

18 ёшгача бўлганлар ўртасида мамлакатимиз вакили Олег Артёмченко ва яна тўрт нафар иштирокчи 4,5 очко билан бронза медали учун курашмоқда.

Қизлар ўртасида 4,5 очко жамғарган вакилимиз Сарвиноз Курбонбоева ҳам медаллар учун курашиш имконияти бор.

ИДОРАЛАРАРО КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 20 мартда қабул қилинган «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — ахборот-ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан белгиланган вазифалар ижроси таъминланиши ҳолати кўриб чиқилди. Барча ахборот-кутубхона жараёнларини интеграциялаш, ахборотга ишлов бериш ва Миллий кутубхона электрон маълумотлар базасига киритиш имкониятини яратиб орқали маълумотлардан кўп марта ва узоқ масофадан туриб фойдаланиш, таълим муассасалари ва ҳудудлар даражасидаги китобхоналарга хизмат кўрсатишнинг тезкорлиги ва сифатини ошириш масалалари атрофида муҳокама этилди.

Ахборот-коммуникация технологиялари, чет тилларини эгаллаш ва қўллаш асосида кўрсатилган турли хизматлар ҳажминини ва сифатини ҳисобга олган ҳолда соҳа ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, доимий равишда маънавиятини ошириш бўйича вазифалари белгилаб олинди.

Тарихий, илмий, баддий ва маданий қимматга эга босма нашрларни, кўлем ва график ҳужжатларни, аҳолида мавжуд ноқир нашр ва кўлемларни сақлаш ҳамда электрон шаклга ўтказиш бўйича чора-тадбирлар ло-

йиҳаси батафсил муҳокама қилинди. Улар сонини кўпайтириш ҳамда кенг фойдаланиш учун муқаммал шароитлар яратиш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

Мамлакатимизда мавжуд ахборот-кутубхона муассасаларини йўналиш ва соҳаларга тааллуқлилиги бўйича структурасини ҳамда ходимлари сонини такомиллаштириш, инклюзив кутубхоналарни ташкил этиш ва ривожлантириш, имконияти чекланган инсонларга кўрсатилаётган ахборот-кутубхона хизматлари сифатини ошириш масалалари кўриб чиқилди. Фойдаланувчилар, айниқса, ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини турли соҳалар бўйича мавжуд манбалардан материаллаштириш йўли билан қаноатлантириш, бунда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг ва самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилиши белгилаб қўйилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан республикада ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматларини янада ривожлантириш борасида қўйилган вазифалар ижросини тўлиқ амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди, тегишли қарор қабул қилинди.

ЎзА

Огоҳ ва фидойи бўлайлик

ҲАР БИР ТИНЧ ЎТГАН КУНГА ШУКУР!

Жаннатмонанд юртимизнинг кун сайин чирой очиб бораётгани мустақилликнинг энг тотли неъматини бўлган тинчлик шарофатидан...

3-бет

Партиялараро баҳс

ҚУЁШ НУРЛАРИДАН МУҚОБИЛ ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ ОЛИНАЁТИР

ва ундан фойдаланилаётир. «Адолат» СДП эса бу борада фақат гоёни илгари сурмоқда

2-бет

САЙЛОВЧИНИНГ ҲАЁТИЙ ТАКЛИФИ

қонун ижодкорлигини такомиллаштиришга, жамият равақига кенг йўл очади

Аввал хабар қилинганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари 28 майдан 4 июнгача сайлов округларида аҳоли билан учрашувлар ўтказди.

Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада қучураштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган гоё ва қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш бўйича, шунингдек, «Мустақиллик оила йили» Давлат дастури асосида қилинаётган ишларнинг аҳамияти, 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, шу билан бирга, Парламентнинг

қонун ижодкорлиги, унда электротар манфаатини химоя этиш мақсадида фракция ёндашувининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида кишиларга таҳлилий маълумот берди.

Фракция аъзолари сайловчилар билан учрашувлар давомида Парламент қабул қилган «2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури» бўйича қилинаётган ишларни маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари билан бирга, таҳлилий ўрганди. 74-Денов сайлов округидан

сайланган депутат Анвар Бойқулов қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, сайловчилар билан учрашди. Унда аҳоли вакиллари турли ижтимоий-иқтисодий масалаларда депутатга муножабат қилишди. Хусусан, Бобур, Гулистон, Жомий, Сина ҳамда Даҳана маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидagi учрашувлар жонли ўтди. Аҳоли бандлигини таъминлашда янги иш ўринлари очилишига эътиборни кучайтириш, бунинг учун янги ишлаб чиқариш корхоналарини бунёд қилиш, мавжудларнинг фаолиятини кенгайтириш билан боғлиқ масалаларда фикр-мулоҳаза юритилди. Шунингдек, аҳоли ёш авлод таълим-тарбиясига янада талабчан бўлиш, ота-оналарнинг фарзандлар ол-

дидаги масъулиятини кучайтириш бўйича таклиф билдирди. Фуқароларнинг муножабатлари асосида ўрганилганда, туман ФХДЭ ва паспорт бўлими билан бирга бугунги кун талабига жавоб бермаслиги аниқланди. Бу ҳол аҳолига ноқулайлик туғдириб, овозгарчиликларни келтириб чиқармоқда. Депутат бу масалани назоратга олди. Тегишли идоралар ёрдамида муаммони ҳал этиш унинг иш режасига кирди.

— Кишиларимизнинг ижтимоий-сиёсий билими ва фаоллиги ортиб бормоқда, — дейди депутат Анвар Бойқулов. — Бу гагга учрашувларда аҳоли вакиллари ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш, шунингдек, муайян қонунларни такомиллаштириш бўйича ҳаётий таклифлар билдиришди. Мазкур таклифлар фаолиятимиз кучайишида долзарб аҳамият касб этди.

Депутат учрашувларда ЎзХДП фракцияси фаолияти ҳақида маълумот берди, шунингдек, аҳоли вакиллари билан бошқа муножабатлари ва таклифларини қабул қилди.

Тўлқин ТЎРАХОНОВ

Фракция аъзолари сайловчилар билан учрашувлар давомида Парламент қабул қилган «2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури» бўйича қилинаётган ишларни маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари билан бирга таҳлилий ўрганди.

Каттақўрғон шаҳридаги Кунжипай маҳалласи ҳудудида «Дока хлеб» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси иш бошлади.

ЯНГИ КОРХОНА

— Корхона ҳар кунини беш тоннадан зиёд 20 турдаги арзон ва сифатли нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси А.Маҳмудов.

— Энг муҳими, 20 нафар ёш муқим иш билан таъминланди. Яқинда корхона жамоаси маҳалла хонадонларини электр энергияси ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш учун электр тизими ва газ қувурини янгилашда катта ҳомийлик ёрдами кўрсатди. (Ўз мухбиримиз).

Огоҳ ва фидойи бўлайлик

ҲАР БИР ТИНЧ ЎТГАН КУНГА ШУКУР!

Уруш дунёда одамлар сонини оширган эмас, тинчлик учун курашадиган мардларни жасоратга ундаган. Улар Ватанини ҳимоя қилиш учун, оналар тинч ухлаши, фарзандлар юзига табассум қайтиши, шаҳар-қишлоқларни вайронкорликдан асраш учун, керак бўлса, жонларини фидо қилишган.

Тинчлик эса бир-бирига жилмайиб турган она-болалар сонини оширган, инсонлар зеҳн-тафаккурини, куч-ғайратини яратувчанликка, бунёдкорликка йўллаган, орзуларга қанот бағишлаган, шаҳар-қишлоқларни гуллаб-яшнатган.



Жаннатмонанд юртимизнинг кун сайин чирой очиб бораётгани мустақилликнинг энг тотли неъматидир. Уй-хонадонларимиздан болаларнинг шодон шарофатидан. Уй-хонадонларимиздан болаларнинг шодон шарофатидан. Уй-хонадонларимиздан болаларнинг шодон шарофатидан.

лигини, айриликдан азият чекмаган бирон оила қолмаганини эслаб бағримиз ўртанади, фарзанди доғида беун бўлаётган «Мотамсаро она» ҳайкалига қараб ўз онамизни, бувимизни кўргандай бўламиз.

Хиндистоннинг собиқ Бош вазири Индира Ганди (марҳум) жаҳонда тинчликни сақлашга бағишланган нуфузли халқаро анжуманда «Шоир Қайсин Қўлиев шеърда тўғри таъкидланган: жангларда отилган ҳар битта ўқ, аввало она юрагини тешиб ўтади» деганида, қатнашчилар бу фикрни маъқуллаш учун оёққа туриб қарсак чалишган. Йиллар ўтаётди, болқор шоирнинг бу шеъри дунёдаги барча оналарнинг тинчликка даъвати сифатида турли тилларда ҳамон янграётди.

Жанггоҳда отилган энг биринчи ўқ, Она юрагини тешиб ўтади. Сўнг жангда ким голиб, Бунинг фарқи йўқ, Она қалби бир умр алам ютади.

Бу бор гап, бу аччиқ ҳақиқат. Ҳамюртларимиз Европанинг қайси жанггоҳида ҳалок бўлмаган, жонига зомин бўлган ўқ

аввало Ўзбекистондаги онаси юрагини тешиб ўтгандан кейин унинг юрагига теккан. Иккинчи жаҳон урушида 600 мингдан зиёд ватандошимизни ярадор этган ўқлар ҳам аввало Ўзбекистондаги онаси кўксини яраб-лаб ўтган. Жанггоҳларда бир миллиондан ортиқ ватандошимизга теккан ўқлар уларнинг оналарига эмас, оталарини, ака-укаларини, опа-сингилларини, фарзандларини, қавму қариндошларини кўксини яраган.

Уруш мана шундай чексиз-чегарасиз қулфларни одамликка даъвати сифатида турли жаҳонда биринчи навбатда мунис оналар чекади. Президентимизнинг пойтахтимизда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланаётган маросимда «Эй одамзот, кўзингни оч, тарофга бир қара, кечга тарихдан хулоса, сабоқ чиқар!» деган юрак нидоси албатта ҳар биримизни янада оголликка ундайди, хушёр тортиради.

Ахборот асри бўлган XXI аср-

да яшаётимиз. Турли оммавий ахборот воситалари орқали дунёда нима бўлаётганини кўриб, билиб туришимиз. Афсуски, ҳамон ярим дунёни қонга ботириган Гитлердек ёвуз кимсани, фашизмни оқлашга уринаётганлар ҳам бор, липиллаб турган миллатчилик иллатига керосин сепишга тайёр каслар ҳам пайт пайлаб турибди, бузғунчи оқимлар «пешво»лари ҳам ўзларининг тўғрилигини жон-жаҳдлари билан исботлашга интилишяпти, миллат маънавиятини ичдан емиришга ҳаракат қилаётган «оммавий маданият»чилар ҳам «грам-пластинкаси»ни тинмай айлантиришяпти...

Энг таъвишланарлиси, улар ёвуз мақсадларини зар қозғоларда ниқоблаб, идаоларини жозибали сузларда ифодалашяпти. Бу ҳали ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган ёшларимизни чалғитиб қўйиши мумкин. Шундай экан, хавф-хатарлар биздан йироқда, тепамизда Куёш порлаб турибди дея, лоқайд-

ликка берилишга, юртимиздаги тинч-осуда ҳаётни сақлаш йўлидаги курашдан тўхташга ҳаққимиз йўқ.

Юртимизда бугун ҳам, эртага ҳам тинчлик барқарор бўлиши учун Юртбошимиз таъкидлаганидек, «**Шу мусаффо осмон, шу эркин ва ёруғ ҳаёт, мана шу муқаддас Ватани мен химоя қилмасам, ким химоя қилади?**» дея ҳар биримиз оёққа туришимиз, огоҳ ва фидойи яшашни умр мазмунимизга айлантиришимиз керак. Ўзбекистонимизда, жаҳонда тинчлик бўлсагина онажонларимизнинг юзига табассум балқийди, фарзандларимиз эмин-эркин вояга етади, юртимизда яратувчанлик, бунёдкорлик бардавом бўлади, туйларимиз байрамларга уланади. Бунинг учун ҳаётнинг энг муқаддас неъматидир — тинчликни сақлаш йўлида ҳар биримиз фидойи бўлмоғимиз лозим.

Асрор МҮМИН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Миллий матбуот марказида

ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ: Йўловчилар хавфсизлиги ва уларга яратилаётган қулайликлар

Биз деярли ҳар куни ишга ёки бирор-бир юмушга отланганда, албатта, манзилга тез ва қулай етиб олиш мақсадида метрополитен хизматидан фойдаланамиз. Бинобарин, Марказий Осиёда биринчилардан бўлган бу ер ости йўли кўркам, шинам ва қулайдир.

Яна бир эътиборли жиҳати — бекатларнинг меъморий, бадиий эга бўлиб, қурилишда маҳаллий қурилиш материалларидан мармар, гранит, сопол, шиша қўлланган. Шу билан бирга, уларнинг тозалиги, муътадил иқлим йўловчиларга ҳузур бағишлайди.

Кўни кеча пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Тошкент метрополитени маъмурияти «Йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш борасидаги устувор вазифалар ва хизмат кўрсатиш сифатини такомиллаштириш масалалари» мавзусида матбуот анжумани ўтказди.

Унда Тошкент метрополитени бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Содиқов метроларда хавфсизлигини таъминлаш ва аҳоли хушёрлигини ошириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани, барча станциялар ҳамма юзидан хавфсизликни таъминлашга алоқадор бўлиши, махсус ускуналар билан жиҳозлангани, 29 та бекатнинг барчаси видеокузатув тизими ўрнатилгани тўғрисида тўхтади. Шунингдек, ҳар куни 180-200 минг йўловчи метрополитендан фойдаланишини ҳисобга олган ҳолда, уларга янада қулайлик яратиш мақсадида бекатлар ичида жойлаш-

ган кассалар аҳолига нуқуллик туғдираётгани боис уларнинг барчаси кенг ер ости йўлақларига чиқарилганлиги ҳақида ҳам маълумот берди.

Шунингдек, соҳанинг масъул ходимлари метрода муътадил иқлимни, яъни ёзда салқин, қишда илқ ҳароратни бирдик сақловчи, инсонлар саломатлигига таъсири бўлмаган, замонавий «Таф» вентиляторли олиб келиниб ўрнатилганини айтишди. Йўловчиларга янада қулайлик яратиш мақсадида амалдаги тўлов тизими жетон ўрнига алоҳида магнетли пластик картонкалар жорий қилиниши режалаштирилганлиги ва бу тартиб 2013 йил охиригача йўлга қўйилиши маълум қилишди.

Бундан ташқари, корхона ўзларига керакли бўлган мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаб бераётган Таранспорт ва Алоқа касб-ҳунар коллежларининг бу йилги битирувчиларидан 60 нафари билан у томонлама шартнома имзолаб, ўз йўналишлари бўйича ишга қабул қилиниши режалаштирилган.

Тадбир сўнгида журналистлар метрополитендан фойдаланиш шартини қизиқтирган бошқа саволларга ҳам батафсил жавоб олишди.

Тоштемур ХУДОЙҚУЛОВ



Реклама ва эълонлар

МАҚСАД — МИЖОЗЛАРГА НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

«Агробанк» очик акциядорлик тижорат банкининг Сурхондарё вилоят бошқармаси томонидан жорий йил биринчи чорагида барча молиялаш манбалари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига 6 млрд. 813 млн. сўм миқдоридан кредит маблағлари ажратилди. Бунинг натижасида жами 771 та янги иш ўрни яратилди.



Қишлоқ жойларда касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юрларининг битирувчиларига ўз бизнесини ривожлантириши учун берилган 155 млн. сўм кредит эвазига 52 нафар қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди.

Бошқарма иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш, истиқболли тармоқларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгиланишлар жараёнини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бугунги кунгача банк миқозлари сони 14 миң 150 нафардан ошиб кетганлиги ҳам фикримиз далилидир. Ҳозиргача 70 нафардан зиёд тадбиркор аёлларга ажратилган кредит маблағлари 688 млн. сўмни ташкил этади. Улар ҳақ

истеъмол моллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, маиший ва сервис хизмати кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда.

Вилоятда мева-сабзавот сақлаш омборхонасини барпо этиш учун каттагина маблағ йўналтирилди. Масалан, «Жарқўрғон пахта» ҳамда «Қизилқоғил» очик акциядорлик жамияти худудида совутич ўрнатиш мақсадида ҳар бир корхонага банк филиаллари томонидан 208 млн. сўм миқдорда кредит ажратилди. Эндиликда бу ерда 20 та янги иш ўрни яратилди.

— «Боғу бўстон» фермер хўжалигини ташкил этганимга анча йил бўлди, — дейди сариосиёлик Носиржон Тўрақулов. — Ерларимиз қир-адирлардан иборатлиги боис асосан бандорчилик билан шуғулланамиз. Жорий йил бошида банкнинг Сариосиё филиалига қарлик (пакана) боғлар барпо этиш мақсадида бизнес-режамизни тақдим этдик. Лойиҳамиз тезда кўрилгач, 60 млн. сўм ажратишди. Ҳозир эккан кўчатларим беҳато, бир текис ривожланмоқда. Яқин йиллар ичида боғларимиздан мўл ҳосил олиб, эл дастурхонини тўлдирамиз ва банкдан олинган кредитни ҳам сўндирамиз, деган умиддаман. Шунингдек, бу мақсадда банк филиалидан 50 млн. сўм миқдоридан кредит олиб, қарлик боғлари ташкил этган «Миндал файз» фермер хўжалигини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Хизматларнинг янги турларини жорий этиш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини узок муддатли депозитларга жалб этиш бўйича бирмунча ишлар амалга оширилди. Аҳоли ва юридик шахслар орасида омонат ва депозит сертификатларини жойлаштириш, банкка бўш пул маблағларини жалб қилиш, ресурс базасини ошириш бўйича реклама воситаларидан фойдаланган ҳолда тақлиф ва тарғиб ишлари амалга оширилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, «Агробанк» Сурхондарё вилояти бошқармаси ва унинг филиаллари барча миқозларига намунали хизмат кўрсатмоқда.

Мирбахтиёр МИРҒАЙИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

1-Тошкент педагогика билим юрти ҳозирги 1-Тошкент Педагогика коллежи томонидан 1996 йилда Сайфиева Муқаддас Рузибоевна номига берилган №106846 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Приглашение на участие в торгах: HIRD 2012 — 05

Дополнение № 01

1. Крайний срок подачи тендерных предложений по приглашению на участие в конкурсных торгах (HIRD 2012 — 05) для тендерных пакетов № 339-373, 390-400, 410-445, 450-471, 473-476, выгущенных в 15 мая, продлен на 9 дней с 11 июня по 20 июня 2012 года.

2. Ключевые критерии оценки и квалификация, указанные в Разделе 3, также были пересмотрены с поправками пороговых значений, указанных в таблице ниже:

Кол-во домов в лоте	Раздел 3 - 2.3.2 среднегодовой оборот по строительству (млн. сум)	Раздел 3 - 2.4.1 Опыт работы в строительстве (год)	Раздел 3 - 2.4.1 Требуемая минимальная сумма контракта (млн. сум)	Определенный опыт работы в строительстве, в ключевых сферах		
				Раздел 3 - 2.4.2 (b) i) Минимальный объем земельных работ XXX м3 в течении года	Раздел 3 - 2.4.2 (b) ii) Минимальный объем бетонных работ XXX м3 в течении года	Раздел 3 - 2.4.2 (b) iii) Завершение жилищного строительства XXX м2 в течении года
5	650	2	330	150	250	500
6	650	2	400	180	300	600
7	750	2	460	210	350	700
8	850	2	530	240	400	800
9	950	2	600	270	450	900
10	1,100	2	670	300	500	1000
11	1,200	2	730	330	550	1100
12	1,300	2	800	360	600	1200
13	1,400	2	870	390	650	1300
14	1,500	2	930	420	700	1400
15	1,650	2	1,000	450	750	1500
16	1,750	2	1,070	480	800	1600
17	1,850	2	1,130	510	850	1700

3. Запечатанные тендерные предложения были предложены правомочными участниками торгов по каждому пакету, перечисленному в Параграфе 1. Только правомочные участники торгов, которые зарегистрированы как подрядные организации в соответствии с государственным законодательством и которые отвечают ключевым критериям оценки и квалификации как определено в Разделе 3 тендерной документации, и как пересмотрено в таблице выше, могут принять участие в тендерных торгах. Участникам торгов рекомендуется ознакомиться с содержанием тендерной документации, чтобы принять обоснованное решение об участии в тендерных торгах. Информация по Приглашению на участие в торгах (HIRD 2012 — 05) или по настоящему Дополнению доступна по электронному адресу «Кишлоқ қурилиш банк» на вебсайте www.qqb.uz или на вебсайте каждого участвующего областного хокимията, указанные ниже:

Хокимият Наманганской области www.namangan.uz	Хокимият Сырдарьинской области www.sirdarya.uz	Хокимият Сурхандарьинской области www.surxondaryo.uz	Хокимият Ташкентской области www.tashvil.gov.uz
--	---	---	--

4. Для получения дальнейшей информации и для ознакомления с тендерной документацией или приобретения тендерной документации на русском языке, участники тендерных торгов могут связаться с соответствующими областными филиалами «Кишлоқ қурилиш инвест» (ККИ). При этом, все разделы тендерной документации, за исключением приложений Раздела 6, доступны на узбекском языке в качестве справочного материала, так как язык тендерных предложений русский и все контракты будут подписываться на русском языке. Безвозвратный платеж за один пакет тендерной документации должен быть внесен на депозит участника торгов на банковский счет ККИ, детали банковского счета указаны ниже:

Наманганский филиал ККИ. Адрес: г. Наманган, ул. Ахси, 60. Телефон: +8 (369) 233-47-65. Факс: +8 (369) 233-47-65. Эл. почта: qishloqqureilishinvest@mail.ru	Сырдарьинский филиал ККИ. Адрес: г. Гулистан, ул. Кахрамонлар, 1. Телефон: +8 (367) 235-01-65. Факс: +8 (367) 235-01-65. Эл. почта: kki@сirdarye@freemail.uz, halim72@mail.ru	Сурхандарьинский филиал ККИ. Адрес: г. Термез, ул. Ал-Халим Ат-Термизий, 11. Телефон: +8 (376) 227-53-65. Факс: +8 (376) 227-53-65. Эл. почта: faziz0110@mail.ru	Ташкентский филиал ККИ. Адрес: г. Ташкент, ул. У. Носира, 53-Б. Телефон: +8 (371) 280-60-93. Факс: +8 (371) 280-60-93. Эл. почта: qodir8778@mail.ru
--	--	---	--

5. Все тендерные предложения должны быть предоставлены в соответствии с установленными требованиями, определенными в Инструкции для участников торгов (ИТБ) — Раздел 1 тендерной документации. Тендерные предложения будут приниматься Тендерной комиссией в течение рабочих часов, и оригинал четко маркированный как «ОРИГИНАЛ», и четыре запечатанные копии маркированные как «КОПИЯ» должны быть предоставлены Тендерной комиссии по адресу, указанному ниже. Вскрытие тендерных предложений будет происходить по тому же адресу, в присутствии представителей участников торгов, незамедлительно после наступления крайнего срока предоставления тендерных предложений в 12:00 20 июня 2012.

Тендерная комиссия Наманганской области. Адрес: г. Наманган, ул. А.Рахимова, 57. Телефон: +8 (369) 226-14-50. Факс: +8 (369) 226-14-50. Эл. почта: namvilhok@mail.uz	Тендерная комиссия Сырдарьинской области. Адрес: г. Гулистан, ул. Мустақиллик, 60. Телефон: +8 (367) 227-64-84. Факс: +8 (367) 227-64-84. Эл. почта: sviloyat@inbox.uz	Тендерная комиссия Сурхандарьинской области. Адрес: г. Термез, пл. Ал-Халим Ат-Термизий Телефон: +8 (376) 222-44-76. Факс: +8 (376) 222-44-76. Эл. почта: www.surxondaryo.uz	Тендерная комиссия Ташкентской области. Адрес: г. Ташкент, ул. А.Темур, 17 Телефон: +8 (371) 241-15-22. Факс: +8 (371) 241-15-22. Эл. почта: atncn_7777@inbox.uz
---	---	---	---

Спорт

КЎҲНА ҚИТЪАДА КАТТА ФУТБОЛ БАЙРАМИ

Эртага футбол бўйича XIV Европа чемпионати финал босқичи учрашувлари бошланади



Нуфузи жиҳатидан жаҳон чемпионатидан кейинги ўринда турувчи мазкур мусобақада Кўҳна қитъанинг энг сара ўн олти терма жамоаси голиблик учун кураш олиб боради.



1960 йилдан бери ҳар тўрт йилда ўтказиб келинаётган ушбу нуфузли мусобақанинг финал босқичида дастлаб тўртта терма жамоа иштирок этган бўлса, бугунга келиб улар сонини ўн олтига етган. Бу эса қитъа чемпионати нуфузи қанчалик ортиб бораётганини кўрсатиб турибди.

1960 йилдан бери ҳар тўрт йилда ўтказиб келинаётган ушбу нуфузли мусобақанинг финал босқичида дастлаб тўртта терма жамоа иштирок этган бўлса, бугунга келиб улар сонини ўн олтига етган. Бу эса қитъа чемпионати нуфузи қанчалик ортиб бораётганини кўрсатиб турибди.

мамлақати мусобақаларга тайёр-гарлик жараёнида 200 миллион евро сарфлаган. Украинанинг бу борадаги харажатлари миқдори эса 4 миллиард еврони ташкил этган.

Гембскининг маълум қилишича, Польшада Европа чемпионати олдидан деярли бирорта янги спорт иншооти бунёд этилмаган. Маънавий асосий қисми эса мамлақатда футбол инфратузилмасини шакллантиришга йўналтирилган, холос.

футболчилари қолган ўн тўртта йўлланма учун саралаш баҳсларида майдонга тушдилар. Қуръага кўра, ана шу баҳсларда сараланган ўн олти терма жамоа энди тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда баҳсларни бошлашади.

La Gazzetta dello Sport нашрининг айтишича, бу галги мусобақанинг мукофот жамғармаси 2008 йилда ўтган Европа чемпионатидагига нисбатан 12 миллион еврога кўп. Янада аниқроғи, УЕФА томонидан умумий мукофот жамғармаси 196 миллион евро этиб белгиланган.

Мусобақанинг ҳар бир иштирокчисига 8 миллион евро ажратилади. Тўрт йил муқаддам бу кўрсаткич 7,5 миллионни ташкил этганди. «Плей-офф»га йўлланма олган жамоаларга яна қўшимча 2 миллиондан берилса, ярим финалчилар 3 миллион, финалчилар эса 4,5 миллион евро олади.

Шунингдек, терма жамоаларга гуруҳ босқичидаги ҳар бир галаба учун 1 миллион, дуранг натижага эса 500 минг евро берилади. Бундан ташқари, ўз гуруҳида учинчи натижа билан кифояланган жамоалар учун ташкилотчилар қўшимча яна бир миллион евродан маблағ ажратилган.

Кеча эса УЕФА расмий веб-сайти 8 июнь окшомида Варшавада бошланадиган XIV Европа чемпионатининг илк учрашувини бошқариб борадиган ҳакамлар гуруҳи номини эълон қилди. Унга кўра, «Миллий» стадионда ўтказиладиган Польша — Греция миллий терма жамоалари баҳсига испаниялик таниқли рефери Карлос Веласко Карбальо бош ҳакам этиб тайинланган.

Хулоса қилиб айтганда, миллионларда футбол иштирокчиларини қарий бир ой давомида ҳаяжонга соладиган дамлар бошланишига жуда оз фурсат қолмоқда.

Эркин ХОЛБОБОВ, Шарофиддин ТОҒАШАРОВ.

Табиат ва инсон

Сурхондарё вилоятида яшил олам — ўрмончиликни ривожлантириш, тармоқда фан ва техника тараққиётини унумли фойдаланиш, махсулот турини кўпайтириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда вилоят давлат ўрмон хўжалиги бошқармаси тасарруфида 307,1 минг гектар ер майдони мавжуд бўлиб, шундан 130,9 минг гектарини ўрмонзорлар ташкил этади.

БИЗ ҲАМ ОНА ТАБИАТНИНГ БИР БЎЛАГИМИЗ



Вилоятнинг Ангор, Музробод, Термиз, Жаркўрғон туманининг бир қисми кумликлардан иборат. Каттақум массивида кўча кумларни тўхтатиш мақсадида вилоят ўрмон хўжалиги томонидан 214 гектар майдонга саксовул ва черкез кўчалари ўтказилиб, янги ўрмонзорлар ташкил этилди.

кўпайтириш ишлари яхши йўлга қўйилган.

— Ўтган йили ҳам чой ўти, тоғ райони, дўғбой, наматак каби шифобахш гиёҳларни йиғиштириб, соғлиқни сақлаш мақсадларига етказиб бердик, — дейди Бойсун ўрмон хўжалиги директори, «Эл-юрт хўрмати» ордени соҳиби Тоштемир Мухаммадиев. — Маълумки, бу ноёб шифобахш гиёҳларни асраб-авайлаш ўрмончилардан катта масъулият талаб этади. — Биз ўрмонзорларни пайхон қилиш, арча даракларини қонунга зид равишда кесиб олишга ҳаракат қилаётган қонунбузарларга қарши кескин кураш олиб бораёلمиз. Ўтган йили бу борада 7 та ҳолатда қонунбузарликлар аниқланиб, улардан 4 тасида етказилган зарар ундириб олинган бўлса, қолган 3 та ҳолат бўйича фуқаролик судига ҳужжатлар тақдим этилди.

Урмонзорларнинг кўплиги ва қалинлиги ерларни тупроқ эрозиясидан асраш билан бирга, турли кўчкларнинг олдини олиди, наботот ва ҳайвонот дунёсини бойитиши, булоқларнинг серсув бўлишини таъминлайди. — дейди вилоят марказий давлат ўрмон хўжалиги бош директори Мусулмонқул Мирзаев. — Биз Каттакум қўллари кум кўчкларидан сақлаш ва дарё қирғоқларини мустаҳкамлаш мақсадида янги ўрмонзорлар ташкил этиш баробарида, ўтган йили эрозияга қарши 114 гектар майдонга қорабута, 8 гектарга қарағай, 58 гектарга наматак ва ботқоқ саври ҳамда 12 гектар жойга терак эқиди.

Вилоят ўрмончилари ҳар йили ўз кўчатхоналарида бир ярим-икки миллиондан ортиқ турли кўчатлар етиштирилади. Уларнинг эҳтиёжларидан ортиқ кўчатлар бошқа хўжалик ва ташкилотларга етказиб берилди. Ал Ҳаким ат-Термизий жаммаси атрофидаги кумликлар ўрнини кўчаломзорлаштириш мақсадида 3 минг 953 дона 22 турдаги мевали ва манзарали дарахт ҳамда турли хил гул кўчатлари эқилди. Термиз шаҳрига киришда энг олис масофадан, аниқроғи, Ангор туманига туташ чегара жойидан «Ландшафт дизайн» лойиҳаси асосида, йўлнинг икки томонида 10 метр кенликда япон сакуриси, элдор қарағайи, япон беҳиси, 52 тонна полиз, 125 тонна мева тайёрлашга эришилди. Аҳолининг ёғоч-тахтага бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида 658 куб метр ёғоч тайёрланиб, харидорларга етказиб берилди. Олинган соф фойда эса 177 миллион сўмни ташкил этади.

Айтиш жоизки, Марказий давлат ўрмон хўжалигида яшил олам — ўрмончиликни ривожлантириш билан бирга, тармоқда фан ва техника тараққиётини унумли фойдаланиш, махсулот турини кўпайтириш ишларига ҳам эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили 155 тонна галла, 41 тонна сабзавот, 52 тонна полиз, 125 тонна мева тайёрлашга эришилди. Аҳолининг ёғоч-тахтага бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида 658 куб метр ёғоч тайёрланиб, харидорларга етказиб берилди. Олинган соф фойда эса 177 миллион сўмни ташкил этади.

Вилоят ўрмонзорлари турли шифобахш гиёҳларга бой. Айниқса, Бойсун ўрмон хўжалигида аҳоли саломатлигини тиклаш йўлида фойдаланадиган гиёҳларни

Абди ҚОДИРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ёзги таътил»

БОЛАНГИЗ ҚАЙСИ ТЎГАРАҚДА ШУҒУЛЛАНАЯПТИ?

Умумий таълим мактабларида ёзги таътил бошланди. Бундай пайтда ота-налар фарзандларининг таътилни мазмунли, фойдали ўтказишлари ҳақида ўйлашади. Кимлардир болаларни табиат кўйига — ўқувчиларнинг ёзги дам олиш масканларига юборишни маъқул кўрса, айримлар ўзлари билан ўлкамиз бўйлаб сەяхатларга олиб чиқиб, кимлардир фан, ҳунар ва спорт тўғрисидаги беришни лозим топишади.

— Шаҳардаги 17-умумий таълим мактабининг ўнчинчи синфни тамомлаган қизим Мадина таътил даврида Жиззах шаҳрининг хушманзара масканида жойлашган «Баркамол авлод» болалар маркази қошида фаолият кўрсатаётган «Ёш эколог» тўғраги машғулотларида бормоқчи, — дейди Муҳаббат Худойбердиева. — Бизнингча, малакали мутахассис Фотимахон Аҳмедова раҳбарлик қилаётган бу тўғрақ болаамизнинг бўш вақтини мазмунли, қизиқарли ўтказишга хизмат қилади.

Айни пайтда бу тўғрақнинг 45 нафар аъзоси бор. Улар шаҳардаги турли мактабларда таълим-тарбия олишади. Таътилда эса устозлари кўмагида ўлкамиз табиатини ўрганишади, экологик билимларини бойитишади.

Таътил кунларида марказимизда жами 36 та тўғрақ фаолият кўрсатаяпти, — дейди директор Холида Ҳасанова. — 50 нафар малакали ўқитувчи-мураббийлар техник, бадий ижодкорлик, экология ва ўлкашунослик, жисмоний маданият йўналишларида болалар билан машғул олиб боришади.

— Фарзанди бўш вақтини қаерда, кимлар билан ва қандай ўтказишга ҳеч қайси ота-она бефарқ қарамайди, — дейди Бўстон шаҳарчасидаги махсус мактаб-интернат директори Қўчқор Азимов. — Болаларимизнинг ахборот технологияларида қизиқишлари ортиб бораётганидан қувонамиз, албатта. Аммо, масаланинг бошқа томонини ҳам унутмаслигимиз керак. Бугун айрим «тадбиркор»лар фарзандларимизнинг бундай қизиқишларини зарарли машғулотларга йўналтиришдан ҳам тап тортишмаяпти. Назаримизда, бундайларни масаланинг маънавий жиҳатидан кўра моддий томони кўпроқ қизиқтираётганга ўхшайди.

Ёзги таътил пайтида боланинг бўш вақти кўп бўлади. Шунинг учун уни назоратсиз қолдирамаслик, фойдали машғулотга жалб этиш муҳим масала. Бугун бу ҳақда жиддий ўйламаган ота-она эртага муаммага дуч келиши мумкин.

Иброҳим ЖОНУЗҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Table with football tournament results for groups A, B, C, and D. Columns include team names, match numbers, and scores.

Table with football tournament fixtures for groups A, B, C, and D. Columns include match numbers, dates, and teams.

Table with weather forecasts for various cities like London, Paris, Moscow, etc. Columns include city names and temperature ranges.

MUASSIS: Bosh muharrir: Safar OSTONOV. Tahrir hay'ati: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, (Bosh muharrir o'rinbosari), G'affor HOTAMOV, (Bosh muharrir o'rinbosari), Muhlihdin MUHIDDINOV, OCHILBOY RAMATOV, Saidahmad SAIDAHMAD, RAHIMOV.

Parlament faoliyati, Manzilimiz, Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida, Navbatchi: Ravshan SHODIYEV, Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV, ISSN 2000-7633, e-mail: info@uzbekistonovozi.uz, t - Tijorat materiallari, O'za yakuni - 20.15, Topshirilgan vaqti - 00.30, Soluvda erkin narxda.